O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
YER RESURSLARI, GEODEZIYA,
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT
KADASTRI
DAVLAT QO'MITASI

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ПО ЗЕМЕЛЬНЫМ РЕСУРСАМ,
ГЕОДЕЗИИ, КАРТОГРАФИИ И
ГОСУДАРСТВЕННОМУ КАДАСТРУ

100097, Toshkent sh., Cho'ponota ko'chasi, "S" mavzesi
Tel.: (371) 273-70-05 Faks: 273-86-61

100097, г. Ташкент, ул. Чопонота, Квартал "Ц"
Тел.: (371) 273-70-05 Факс: 273-86-61

http://www.ygk.uz

24.06.2016 № 01-01-3074

На № ____________ от ____________

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Соғликни сақлаш, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ахборот-таҳлил департаментига**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги ПҚ-2487-сонли “Соғлом она ва бола йили давлат Дастури тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан жорий йилнинг олти ойи давомида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар иловага асосан маълумот учун юборилмокда.

Илова: “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар, 3 варақ

**Раис** **С.А.Арабов**

Ижрочи: Н.Султанова
Телефон: 273-70-06

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг 2016 йил
“24” июндаги 01-01/3074 сонли хатига илова

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг “Соғлом она ва бола йили” давлат дастури юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

| т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддатлари | Маъсул бажарувчилар | Сарф-харажатлар (млн.сўм) | Молиялаштириш манбаи | Бажарилган ишлар |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” муносабати билан тизимда меҳнат қилаётган ёш оналарни моддий қўллаб кувватлаш ва болаларнинг соғлом ўсишларига кўмаклашиш. | Доимий | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва худудий бўлинмалар раҳбарлари | 68,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Тизимдаги корхоналар ҳамда ҳудудий бошқармаларда фаолият юритаётган кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни аниқлаш ва уларни моддий рағбатлантириш ишлари амалга оширилмоқда |
| 2. | Тизимда меҳнат қилаётган аёлларни турмуш шароитларини янада яхшилаш ҳамда рўзғор ташвишларини енгиллаштириш мақсадида ҳалқаро хотин қизлар байрами арафасида уларга оилабоп совғалар улашиш ва улар учун ҳар хил кўрик танловлар ташкил этиш. | Март | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва худудий бўлинмалар раҳбарлари | 140,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Хотин қизларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб қуватлаш ҳамда оила ва жамиятдаги фаоллигини янада ошириш мақсадида 8-март халқаро хотин қизлар байрами муносабати билан қўмита ва тизимдаги корхоналар ҳамда ҳудудий бошқармаларда меҳнат қилаётган аёлларга муносиб совғалар улашилди. |
| 3. | Юртимизда “Наврўз” байрамини муносиб нишонлаш мақсадида, тизимда меҳнат қилаётган ходимлар ўртасида спорт мусобақларини ташкил этиш. | март | Т.М.Абдуллаев У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва худудий бўлинмалар раҳбарлари | 250,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Тизимдаги корхоналар ҳамда ҳудудий бошқармаларда жорий йилнинг 18-19 март кунлари “Наврўз” байрамини кўтаринки рухда нишонлаш мақсадида халқимизнинг миллий анъаналаримиздан бири бўлган |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | “Сумалак” таоми пиширилиб байрам дастурхони тузилди ҳамда корхоналараро “Воллейбол” спорт мусобақаси ўтказилди. |
| 4. | 22 апрель “Бутунжаҳон Ер куни”га бағишланган “Она замин муқаддас” мавзусидаги давра суҳбатини ўтказиш. | апрель | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | 18,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Жорий йилнинг 21 апрель куни Тошкент давлат Миллий университети маданият саройида “Аграр муҳитни ўзгариши шароитида ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш” мазусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар иштирокида семинар ўтказилди. Семинар якунлари бўйича келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. |
| 5. | 9 май хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ходимларнинг фарзандлари билан юртимизнинг зиёратгох масканларига ҳамда диққатга сазовор жойларга зиёратлар ташкил этиш. | май | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | 100,0 | Қўмита касаба уюшмаси ҳамда Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | 9 май хотира ва қадрлаш куни муносабати билан тизим корхоналари ва ҳудудий бошқармалар ходимларининг фарзандлари учун республика ҳудудидаги маданий зиёратгоҳ жойларга саёҳатлар ташкил этилди, шунингдек ёш авлодларни ўтмиш тарихи ва мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан яқиндан таништирилди. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Қўмита ва тизимдаги ходимларни ёз ойларида дам олиш оромгохларига ҳамда уларнинг фарзандларига ёзги дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар олинишида амалий ёрдам кўрсатиш. | июн-август | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | 100,0 | Қўмита касаба уюшмаси ҳамда Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Ходимлар ва уларнинг фарзандларини ёзги дам олиш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида жойлардаги болалар дам олиш оромгоҳларига тегишли йўлланмалар асосида юбориш таъминланмоқда. |
| 7. | Республикада ижтимоий муҳофазага муҳтож ва кам таъминланган оилаларга ҳамда мурувват уйларини моддий ва маънавий қуллаб қувватлаш мақсадида уларга хомийлик ёрдамларини кўрсатиш. | II-чорак | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Р.Н.Иномов, Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | 50,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва кам таъминланган соҳа ходимларининг мактаб ёшидаги фарзандлари учун зарур ўқув жиҳозлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. |
| 8. | Қўмитада «Устоз-шогирд» услубини қўллаган ҳолда тизимга малакали мутахассисларни жалб қилиб бориш. | Доимий | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | - | Маблағ талаб этилмайди | «Устоз-шогирд» услубини қўллаган ҳолда қўмита тизим ташкилотлар ҳамда ҳудудий бошқармаларга соҳадаги ёш мутахассисларни бириктириш орқали уларнинг билим кўникмалари орттириб борилмоқда. |
| 9. | 1 июнь Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ходимларнинг мактабга бораётган фарзандларига кўргазмали қўллан-малар ва ўқув куролларини совға қилиш ҳамда маданий тадбирларни уюштириш. | II-III Чорак | Т.М.Абдуллаев Н.Ж.Бакиров У.Р.Жумагалдиев Н.Б.Султанова, корхона ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарлари | 50,0 | Бюджетдан ташқари фондлар маблағи | Соҳада ишлаб келаётган ходимларнинг фарзандларига 1 июнь Ҳалқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан республикамиздаги театр, цирк, хиёбонлар ҳамда гузарларда ташкил этилган байрам тантаналарида йўлланмалар асосида иштирок этишлари таъминланди. |